

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦ-АЛОҚА ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

Раҳматалиева Моҳинур Баҳромжон қизи

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси

"Тергов фаолияти" йўналиши магистратура тингловчиси

**Аннотация**

Ушбу мақолада жинойат процессуал фаолиятда видеоконференц-алоқа ва сунъий интеллект технологияларининг назарий асослари, ривожланиш тарихи ва ҳуқуқий табиати қиёсий таҳлил усули орқали ёритилган. Мақолада видеоконференц-алоқанинг жиноят судловига биринчи бор кириб келишидан тортиб, замонавий "Smart Investigation" концепциясигача бўлган эволюцион жараён жаҳон ва Ўзбекистон тажрибаси мисолида кўриб чиқилган. Шунингдек, ушбу технологияларни жинойат процессига татбиқ этишнинг конституциявий чегаралари, процессуал кафолатлар тизими ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** видеоконференц-алоқа, сунъий интеллект, жинойат процесс, масофавий тергов, Smart Investigation, рақамлаштириш, процессуал ҳуқуқ, блокчейн, биометрик идентификация.

**Аннотация**

В данной статье с использованием сравнительно-правового метода исследуются теоретические основы, история развития и правовая природа видеоконференц-связи и технологий искусственного интеллекта в уголовно-процессуальной деятельности. Рассмотрен эволюционный процесс от первого применения видеоконференц-связи в уголовном судопроизводстве до современной концепции «Smart Investigation» на примере мирового и отечественного опыта. Проанализированы конституционные пределы применения данных технологий в уголовном процессе, система процессуальных гарантий и перспективы совершенствования законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** видеоконференц-связь, искусственный интеллект, уголовный процесс, дистанционное следствие, Smart Investigation, цифровизация, процессуальное право, блокчейн, биометрическая идентификация.

**Abstract**

This article employs a comparative legal method to examine the theoretical foundations, historical development, and legal nature of videoconferencing and artificial intelligence technologies in criminal procedure. The article traces the evolutionary process from the first application of videoconferencing in criminal proceedings to the modern concept of "Smart Investigation," drawing on global and Uzbek experience. The study analyzes the constitutional limits of applying these technologies in criminal procedure, the system of procedural guarantees, and the prospects for improving the legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** Videoconferencing, artificial intelligence, criminal procedure, remote investigation, Smart Investigation, digitalization, procedural law, blockchain, biometric identification.

## Кириш

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши жиноий процессуал фаолиятни тубдан ўзгартириб, масофавий иштирок, рақамли далиллар ва ақлли тизимлар орқали янги ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмоқда. Видеоконференц-алоқа ва сунъий интеллект бугунги кунда терговчилар, судьялар ҳамда адвокатларга янги имкониятлар яратмоқда. Бироқ бу технологияларни қўллаш бир қатор конституциявий ва процессуал муаммоларни ҳам юзага чиқармоқда.

Жаҳон миқёсида, хусусан ривожланган демократик давлатларда, жиноий судлов тизимига рақамли технологияларни интеграция қилиш масаласи долзарб илмий-амалий муаммо сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш йўлида изчил ислохотлар олиб бормоқда ва бу жараёнда видеоконференц-алоқа ҳамда сунъий интеллектнинг ролини белгилаш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мақоланинг мақсади — видеоконференц-алоқа ва сунъий интеллектнинг жиноий процесдаги назарий асосларини, ривожланиш тарихини ва ҳуқуқий моҳиятини қиёсий таҳлил асосида очиқ бериш ҳамда Ўзбекистон қонунчилиги учун тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Аввало, видеоконференц-алоқанинг жиноий процессга кириб келиши ҳеч бир давлатда "режалаштирилган инновация" тарзида эмас, балки амалий зарурат — хавфсизлик, харажатлар ва логистика муаммоларини ҳал қилиш эҳтиёжидан туғилган [1, р. 1143]. Ушбу жараён бир вақтнинг ўзида бир неча давлатда мустақил равишда, аммо ўхшаш сабаблар асосида ривожланган.

Мазкур технологиядан биринчи бор 1972-йилда АҚШнинг Иллинойс штатида қамоқхона ва суд зали ўртасида ёпиқ-контур телевизион алоқа орқали фойдаланилди; 1974-йилда эса Филадельфия судларида дастлабки тақдимот учун ўхшаш тизим ўрнатилди [2]. Бироқ бу тажриба ҳуқуқий меъёр асосида эмас, балки тажрибавий амалиёт сифатида олиб борилган [3, р. 212]. Австралия, Сингапур ва АҚШда тўпланган дастлабки тажрибалар кейинчалик Европа давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилди [4].

Гарчи, мазкур технология Америка судлари томонидан биринчи мартаба қўлланилган бўлса-да, видеоконференц-алоқани жиноий процессуал қонунчиликка биринчи бўлиб киритган давлат Италия ҳисобланади.

1990-йилларнинг Мафия судлари бу соҳада катта бурилиш ясади. 1992-йилдан бошлаб Италия Жиноят-процессуал кодексининг тегишли нормаси "адлия билан ҳамкорлик қилувчилар", яширин агентлар ва хавф остидаги шахсларга видеоконференц-алоқа орқали гувоҳлик беришга рухсат берди. 1998-йилдан эса уюшган жиноят ёки терроризм ишларида қамоқдаги айбланувчилар ҳам видеоконференц-алоқа орқали судда иштирок этадиган бўлди [4]. Италия Конституциявий суди ушбу усулни Конституцияга мувофиқ деб эътироф этди [5, р. 15].

Конституциявий асос — АҚШ (1990). Maryland v. Craig ишида АҚШ Олий суди "Конфронтация банди"нинг юзма-юз дуч келишни афзал кўришини таъкидлади, аммо давлат зарурлигини исботлаган тақдирда бу ҳуқуқ чекланиши мумкинлигини белгилади [6]. Ушбу қарор жаҳон ҳуқуқий тизимига таъсир қилган биринчи прецедент бўлди. Федерал Жиноий Процессуал

Қоидаларнинг 10-моддаси 2002-йилдан айбланувчининг розилиги билан видео орқали тақдимотни расман мустаҳкамлади [2].

Шундан сўнг, видео-конференцалоқадан жиноят процессида фойдаланиш Европада кенг тарқала бошлади (2000–2019). Бельгияда 2002-йилги жиний процесс қонуни гувоҳлар ва экспертларни видеоконференц-алоқа орқали сўроқ қилишга рухсат берди. 2009-йилда Европанинг e-justice дастури доирасида чегараларо видео-тингловлар бўйича йўриқнома тайёрланди. Пандемиягача Албания, Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Италия, Норвегия, Испания, Швеция ва бошқа Европа Кенгаши мамлакатларида видео-тингловларга оид қонунчилик мавжуд эди [4]. Буюк Британия судлари видеоконференц-алоқани узоқ вақтдан буён қабул қилиб келган бўлиб, 2000-йилдан фойдаланиш кескин ошди [7].

2020 йилга келиб, коронавирус пандемиясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши мазкур технологиянинг ривожланишида ҳал қилувчи бурилиш нуқтаси бўлди. Видеоконференц-алоқа нафақат касбий, балки хусусий ҳаётда ҳам жисмоний учрашувнинг кенг қабул қилинган муқобилига айланди [8]. АҚШда CARES Act (2020) кўпчилик ишларни видео орқали олиб боришга вақтинча рухсат берди [9]. Эстонияда барча шахсларни аудиовизуал воситалар орқали сўроқ қилиш ва жиний тергов давомида гувоҳлар ҳамда жабрдийдаларни ёзма равишда ҳам сўроқ қилиш қонунлаштирилди [10].

Шундай қилиб, видеоконференц-алоқа тарихини фақат Американики деб тавсифлаш илмий жиҳатдан нотўғридир. Дастлабки амалий тажриба АҚШда (1972), биринчи қонунчилик мустаҳкамланиши эса Италияда (1992) рўй берган.

Дунё миқёсида кенг тарқалиб бошлаган видео-конференц-алоқа тизими Ўзбекистонда жиноят процессига бирданига эмас, балки босқичма-босқич, аввало иқтисодий ва фуқаролик судлари орқали кириб келди.

2013-йилдан иқтисодий судларда, 2015-йилдан эса фуқаролик ишлари бўйича судларда зарур ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш механизми жорий этилди.

Иқтисодий судлар фаолиятида видеоконференц-алоқадан фойдаланиш фуқаролар билан мулоқот ўтказиш, суд мажлислари устидан назорат ва суд раҳбарлари томонидан фуқаларни қабул қилиш имконини берди [11].

USAID томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистонда қонун устуворлиги" лойиҳаси 2014-йилдан Ўзбекистоннинг барча 89 та фуқаролик судида E-SUD электрон суд тизимини жорий этиш учун Олий суд билан ҳамкорлик қилди. E-SUD ишларни кўриб чиқиш учун талаб қилинадиган суд сафарлари сонини 6–7 тадан 2–3 тагача қисқартирди. 18 та суд 20 та видеоконференц-алоқа тизими тўплами билан таъминланди [12].

Жиний процессга ўтишнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 21-февралдаги ПФ-4966-сон Фармони рақамли ечимларни, жумладан видеоконференц-алоқа орқали суд мажлисларини ўтказишни белгилади [13].

Энг муҳим қадам 2019-йил 24-майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан амалга оширилди. Ушбу Қонун асосида Жиноят-процессуал кодексга 91<sup>1</sup>–91<sup>4</sup>-моддалар қўшилиб, зарур ҳолларда сўроқ қилиш, юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларини видеоконференц-алоқа режимида ўтказишга расман рухсат берилди [14].

COVID-19 пандемияси даврида Олий суд мослашув сиёсатини жорий этди: тегишли технологияга эга судларда тингловларнинг тахминан 60–70 фоизи масофавий ўтказилди [15]. Ниҳоят, "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси (ПФ-6079, 2020) суд тизимини тўлиқ рақамлаштиришни узоқ муддатли мақсад сифатида белгилади [16].

Ахборот технологиялари борган сари ривожланиб бораётган глобаллашув замида суд-тергов фаолияти фақатгина видеоконференц-алоқа имкониятлари билан чекланиб қолмади. Мазкур фаолият субъектлари кундан-кунга ўзларининг фаолиятларини замонавий технологиялар ёрдамида такомиллаштириб бормоқдалар. Ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири бу жинойт-процессуал фаолиятга сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши масаласидир. Жиноий процессда сунъий интеллектнинг ўрнини тўғри баҳолаш учун, аввало, унинг тушунчасини илмий жиҳатдан аниқлаш зарур. Европа Иттифоқининг 2024-йилги Сунъий интеллект тўғрисидаги қонунида СИ тизими "турли даражадаги мустақиллик билан ишлайдиган, кириш маълумотлари асосида башоратлар, тавсиялар ёки қарорлар яратиш орқали муҳитга таъсир кўрсатадиган машинага асосланган тизим" сифатида таърифланган [17]. Жиноий адлия нуқтаи назаридан эса СИ — машинали ўрганиш, тасвир таниш, биометрик идентификация ва тил таҳлили технологияларини жиноий тергов, суд ва ижро жараёнларига татбиқ этиш тизими сифатида тушунилади [18].

Тарихий жиҳатдан СИ нинг илдизлари XIII–XVII асрларга — Раймон Луллинг механик тушунчалар уйғунлаштириш тизими ва Лейбницнинг комбинаторика асарларигача бориб тақалса ҳам, у илмий фан сифатида XX асрда расмий шакл касб этди [19]. Жиноий процессга кириб келиши тўрт босқич орқали амалга ошди.

Биринчи босқич (1960–1980-йиллар) — экспертлар тизимлари ва дактилоскопик маълумотларни компьютерлаштириш. АҚШ ФТБ 1970-йилларда AFIS — Автоматлашган дактилоскопик идентификация тизимини — жорий этди. Бу жиноий терговда СИ элементларини қўллашнинг биринчи амалий намунаси бўлди [20].

Иккинчи босқич (1990–2010-йиллар) — алгоритмик баҳолаш тизимлари. Жиноий адлияда хатарни баҳолаш воситалари биринчи авлод статистик усуллардан СИ томонидан бошқариладиган тизимларгача ривожланди [21]. 1994-йилда ишга туширилган COMPAS тизими рецидивизм хавфини алгоритмик баҳолашнинг дастлабки намунаси бўлди. Хитойда 2006-йилда Зибо шахрида жиноий ишлар учун компьютерлашган ҳукм тавсия тизими биринчи бор синовдан ўтказилди [22].

Учинчи босқич (2010–2020-йиллар) — "Ақлли адлия" концепцияси. Жиноий адлия соҳасида СИ технологияларининг жадал ривожланиши суд-тиббиёт фанлари ва ҳуқуқий тартиб-қоидаларда парадигма ўзгаришига сабаб бўлди [23]. Хитойда "Smart Justice" ислоҳоти 2016-йилда расман бошланиб, айбдорликни аниқлашдан тартиб натижани башорат қилишгача СИ судьяларнинг қарор қабул қилиш жараёнига чуқур ўрнашди [24].

Тўртинчи босқич (2020–ҳозир) — меъерий-ҳуқуқий тартибга солиш. ЕИ Сунъий интеллект тўғрисидаги қонуни (2024), АҚШ Адлия вазирлигининг 2024-йилги Ҳисоботи ва Жанубий Кореянинг KICS тизими (2024) жиноий процессни тўлиқ рақамлаштиришни ва СИ ни тизимли жорий этишни мақсад қилиб қўйди [25].

Ҳуқуқий муаммолар. Жиноий процессда СИ нинг жорий этилишида айбсизлик презумпцияси, ўзаро тортишувлар ва шахс ҳуқуқлари ҳимояси учун жиддий хатарлар мавжуд. Қонунчиликда аниқ таърифларнинг йўқлиги, тартибга солиш учун аниқ нормаларнинг белгиланмаганлиги,

СИ нинг қўллаш қоидалари бузилган тақдирда жавобгарликка тортиш механизмларининг мавжуд эмаслиги яққол кўзга ташланади [19].

Сунъий интеллект технологияларинг афзалликлари мамлакатимиз тараққиёти учун ҳам катта ҳисса қўшиши мумкин бўлганлиги сабабли "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси (ПФ-6079, 2020) СИ ни давлат бошқарувини ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида белгилади. Жорий этилаётган "Электрон жинойи иш" концепцияси жинойи процессни электрон шаклда юритишга имкон берувчи хавфсиз тизим яратишни назарда тутди [27]. Бироқ ушбу тизим ҳозирча ҳужжатларни сақлаш ва алмашишни таъминлайди — башорат, таҳлил ёки тавсиялар яратиш каби СИ га хос функциялар ҳали жорий этилмаган [19]. "СИ" тушунчаси жинойи-процессуал қонунчиликда мустақил меъёрий асосга эга эмас — бу соҳа алоҳида илмий тадқиқот ва қонунчилик ислоҳотини талаб этади.

Ҳозирги кундаги жадал ривожланиш даврида видеоконференц-алоқа ва сунъий интеллект технологиялари жинойи процессда алоҳида қўлланилгандагина эмас, балки ўзаро интеграция қилинганда сифатий янги имкониятларни яратади. Ушбу интеграция илмий адабиётларда "Smart Investigation" — ақлли тергов — концепцияси сифатида тавсифланиб [28], жинойи процессуал фаолиятни тубдан ўзгартирувчи технологик парадигма ҳисобланади.

Интеграциянинг асосий йўналишлари:

Биринчидан, масофавий биометрик идентификация — видеоконференц-алоқа орқали ўтказиладиган сўроқ ва тингловларда СИ асосидаги юз таниш, овоз таҳлили ва ирис сканерлаш тизимлари иштирокчиларни реал вақт режимида аниқлаш имконини беради. СИ асосидаги биометрик тизимлар илғор намуна таниш ва мураккаб биометрик маълумотларни таҳлил қилиш орқали идентификация аниқлигини оширади [20]. Бироқ судлар таъкидлашича, юз таниш технологияси суд мажлисида мустақил идентификация далили сифатида ишлатиш учун ҳали етарли даражада ишончли эмас — у фақат тергов бошланғич маълумоти сифатида хизмат қилиши лозим [29].

Иккинчидан, рақамли далилларни СИ орқали таҳлил қилиш. Замонавий тергов ишлари фотолар, видеолар, матнлар, GPS маълумотлари ва ижтимоий тармоқ маълумотларидан иборат кўп ҳажмли рақамли маълумотларни яратади. Кўп ҳолларда мавжуд далилларнинг ярмидан камроғи суд жараёнидан аввал кўриб чиқилади. СИ автоматлашган таснифлаш, объектни таниш ва кўп тилли далилларни қидириш орқали бу камчиликни бартараф этади [30].

Учинчидан, блокчейн орқали далилларнинг аутентиклигини таъминлаш. Блокчейн технологияси СИ орқали яратилган чуқур сохта (deepfake) медиа хавфига қарши муҳим восита ҳисобланади. Европа Иттифоқида LAW-GAME лойиҳаси Hyperledger Fabric асосида Рақамли Далилларни Бошқариш Тизимларини блокчейн орқали интеграция қилади [31]. Жанубий Кореяда CCTV ва тақдимот маълумотлари каби рақамли далилларни ишончли тарзда сақлаш учун блокчейн асосидаги икки даражали тизим ишлаб чиқилган [32].

Тўртинчидан, СИ асосидаги ақлли шартномалар (smart contracts) ва далилларни автоматик бошқариш. СИ, блокчейн ва криптографик усулларнинг ҳозирги ривожланиши мураккаб қарор қабул қилиш вазибаларини автоматлаштириш ва рақамли далилларни юқори ишончлилик билан текширишга имкон беради [33].

Ўзбекистонда видеоконференц-алоқа ва СИ нинг ўзаро интеграцияси ҳали амалий синовдан ўтмаган. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишни жорий этиш юзасидан ҳозирча бирор-бир махсус қонун

ҳужжати қабул қилинмаган. Бу эса интеграция масаласини янада мураккаблаштиради. Жаҳон тажрибаси ва "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси (ПФ-6079, 2020) талабларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу интеграция қуйидаги шартлар асосида амалга оширилиши лозим:

биринчи — жинойт процессида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонун ҳужжатининг қабул қилиниши;

иккинчи — биометрик маълумотларни ҳимоя қилишнинг меъёрий асоси яратилиши;

учинчи — СИ тизими чиқишини "ёрдамчи восита" сифатида белгилаш, яқуний қарор доим терговчида қолиши;

тўртинчи — блокчейн орқали рақамли далилларнинг аутентиклигини таъминлаш тартиби жинойт-процессуал қонунчиликда мустаҳкамланиши [34; 35].

Ушбу тадқиқот видеоконференц-алоқа ва сунъий интеллектнинг жинойт процессдаги ўрни масалалари бўйича қуйидаги илмий хулосаларга келиш имконини беради:

- видеоконференц-алоқанинг жинойт процессга кириб келиш тарихи жаҳон миқёсида параллел эволюция жараёни бўлиб, дастлабки амалий тажриба АҚШда (1972), биринчи қонунчилик мустаҳкамланиши эса Италияда (1992) рўй берган. Ўзбекистонда ушбу жараён уч омил — суд ислохотлари сиёсий иродаси, халқаро ҳамкорлик ва COVID-19 пандемияси мажбурий катализатори — уйғунлашуви орқали юз берган бўлиб, жинойт процессга расмий кириш 2019-йилги ЖПК га киритилган ўзгартишлар орқали амалга оширилган.

- сунъий интеллект экспертлар тизимларидан замонавий "Ақлли адлия" концепциясигача кўп босқичли эволюциядан ўтган. Ўзбекистон учун СИ тушунчасини жинойт процессуал қонунчиликда аниқ белгилаш, "ёрдамчи восита" принципини мустаҳкамлаш ва "қора қути" тизимларига нисбатан процессуал чекловлар ўрнатиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, видеоконференц-алоқанинг жинойт процессга кириб келиши — бу ягона марказдан тарқалган эмас, балки жаҳон миқёсида параллел эволюция жараёни бўлиб, ҳар бир давлат ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий зарурат асосида ушбу йўлни босиб ўтган. Дастлабки амалий тажриба АҚШда (1972), биринчи қонунчилик мустаҳкамланиши Италияда (1992), Европа миқёсидаги тизимлаштириш эса 2009-йилги Европа Иттифоқи **E-JUSTICE** дастури орқали амалга оширилган. Ўзбекистонда бу жараён учта омил — суд ислохотлари сиёсий иродаси, USAID каби халқаро ҳамкорлик ва COVID-19 пандемиясининг мажбурий катализатори — уйғунлашуви орқали юз берган. ЖПКга 91<sup>1</sup>-91<sup>4</sup>-моддаларнинг киритилиши (2019) Ўзбекистонда видеоконференц-алоқанинг жинойт процессга расмий кириш нуқтаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, сунъий интеллект жинойт процессда экспертлар тизимларидан "Ақлли адлия" концепциясигача кўп босқичли эволюциядан ўтган. Жаҳон тажрибасида икки модел рақобатлашади: самарадорлик устувор модел (Хитой, Жанубий Корея) ва ҳуқуқий кафолатлар устувор модел (Европа Иттифоқи, Нидерланд). Ўзбекистон учун иккала моделнинг оптимал уйғунлиги — яъни ҳам тергов самарадорлигини оширувчи, ҳам айбланувчи ҳуқуқларини кафолатловчи — ёндашув мақбул ҳисобланади.

Умуман олганда видеоконференц-алоқа ва СИ нинг ўзаро интеграцияси жинойт процессда сифатий янги имкониятларни — масофавий биометрик идентификация, рақамли далилларни автоматик таҳлил, блокчейн орқали аутентиклик — яратади. Бироқ бу интеграция ҳуқуқий асос талаб этади: СИ тизими чиқиши "ёрдамчи восита" мақомида бўлиши, яқуний қарор доим терговчида қолиши шарт.

Ушбу хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига "сунъий интеллект тизими" тушунчасини таърифлайдиган алоҳида модда киритилиши зарур. Бунда СИнинг тергов жараёнидаги ҳуқуқий мақоми "ёрдамчи восита" сифатида аниқ белгиланиши, тизим чиқишини яқиний далил эмас, тергов кўрсатмаси сифатида эътироф этиш ҳуқуқий нормага кўтарилиши лозим.

Иккинчидан, видеоконференц-алоқа орқали ўтказиладиган тергов ҳаракатларида биометрик маълумотлар (юз тасвири, овоз намунаси) тўплаш ва сақлашга доир махсус меъёрий тартиб ишлаб чиқилиши керак. Бу борада Европа Иттифоқининг ЕИ Сунъий интеллект тўғрисидаги қонуни (2024) ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасидан ҳамоҳанг нормалар жинойи-процессуал қонунчиликка сингдирилиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, видеоконференц-алоқа орқали олинган далилларнинг мақбуллиги учун блокчейн асосидаги аутентификация тизими жорий этилиши, далил яратилган вақт, жой ва шахслар тўғрисидаги метамаълумотлар ўзгартириб бўлмайдиган тарзда сақланиши таъминланиши зарур.

Мазкур мақолада илгари сурилган таклифлар амалиётга жорий этилса, жиноят процессуал тизимини янада такомиллаштириш ва жиноятчиликка қарши курашиш, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида янада самарали иш олиб борилиши учун хизмат қилиши мумкин.

#### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ**

1. Poulin, A.B. Criminal Justice and Videoconferencing Technology: The Remote Defendant // Tulane Law Review. — 2004. — Vol. 78. — P. 1143–1189.
2. Federal Rules of Criminal Procedure, Rule 10 (2002). — Washington: U.S. Government Publishing Office.
3. Johnson, M.T., Wiggins, E.C. Videoconferencing in Criminal Proceedings: Legal and Empirical Issues and Directions for Research // Law & Policy. — 2006. — Vol. 28, № 2. — P. 211–227.
4. Van der Vlis, E.-J. Videoconferencing in criminal proceedings // Videoconference and remote interpreting in criminal proceedings / Ed. by Braun S., Taylor J.L. — Guildford: University of Surrey, 2011. — P. 11–25.
5. Van der Vlis, E.-J. Op. cit. P. 15.
6. Maryland v. Craig, 497 U.S. 836 (1990). U.S. Supreme Court.
7. Internet Newsletter for Lawyers. Video conferencing in UK courts. — 2012. — URL: <https://www.infolaw.co.uk/newsletter/2012/01/video-conferencing/> 01.03.2025).
8. Rossner, M., Tait, D. Videoconferencing in Legal Hearings and Procedural Justice // Justice Quarterly. — 2023. — P. 1–24.
9. Coronavirus Aid, Relief, and Economic Security Act (CARES Act), Pub. L. 116-136 (2020). U.S. Congress.
10. Ministry of Justice and Digital Affairs of Estonia. More digital solutions can be used in criminal proceedings. — 2020. — URL: <https://www.justdigi.ee/en/news/more-digital-solutions-can-be-used-criminal-proceedings> (мурожаат санаси: 15.02.2025).

11. United Nations in Uzbekistan. The Rule of Law is guarantor of progress and prosperity of the state. — URL: <https://www.un.int/uzbekistan/news/rule-law-guarantor-progress-and-prosperity-state> (мурожаат санаси: 10.03.2025).
12. USAID. Rule of Law Partnership in Uzbekistan. — 2022. — URL: <https://www.usaid.gov/uzbekistan/fact-sheets/rule-law-partnership-uzbekistan> (мурожаат санаси: 10.03.2025).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4966-сон Фармони // Lex.uz.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Lex.uz.
15. Federal Judicial Center. Legal Reforms in Uzbekistan: A New Era. — 2020. — URL: <https://www.fjc.gov/content/351047/legal-reforms-uzbekistan-new-era> (мурожаат санаси: 12.03.2025).
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон Фармони // Lex.uz.
17. Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act). OJ L 1.
18. NIJ. Using Artificial Intelligence to Address Criminal Justice Needs // NIJ Journal. — 2019. — Issue No. 280. — URL: <https://nij.ojp.gov/topics/articles/using-artificial-intelligence-address-criminal-justice-needs> (мурожаат санаси: 05.03.2025).
19. Dzhaksybekov, A. et al. Integration of Artificial Intelligence into Criminal Procedure Law and Practice in Kazakhstan // Laws (MDPI). — 2025. — Vol. 14, № 6. — P. 98.
20. U.S. Department of Justice. Artificial Intelligence and Criminal Justice: Final Report.—Washington, December 2024.—URL: <https://www.justice.gov/olp/media/1381796/dl> (мурожаат санаси: 20.03.2025).
21. Christian, G. Legal Framework for the Use of Artificial Intelligence (AI) Technology in the Canadian Criminal Justice System // Canadian Journal of Law and Technology. — 2024. — Vol. 21, № 2. — P. 109.
22. ScienceDirect. Artificial intelligence and adjudication: A new pathway to justice in China? — 2026. — URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S2212473X26000015> (мурожаат санаси: 01.04.2025).
23. ScienceDirect. Intelligent Justice: AI-Driven Forensics and Legal Process for Criminal Justice Reform. — 2026. — URL: <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1756061626000091> (мурожаат санаси: 25.03.2025).
24. Oxford Institute of Technology and Justice. China: AI deeply embedded in criminal justice system. — 2025. — URL: <https://www.techandjustice.bsg.ox.ac.uk/research/china> (мурожаат санаси: 28.03.2025).
25. Chambers & Partners. Artificial Intelligence 2025 — South Korea. — URL: <https://practiceguides.chambers.com/practice-guides/artificial-intelligence-2025/south-korea> (мурожаат санаси: 15.03.2025).

- 
26. Duke Law. AI and Criminal Procedure Rights: A Response to the National Strategy. — 2024. — URL: <https://wcsj.law.duke.edu/wp-content/uploads/2024/06/Input-Regarding-AI-and-Criminal-Justice.pdf> (мурожаат санаси: 18.03.2025).
27. Institute of Legislation and Legal Policy (ILLP). Ensuring Justice and the Rule of Law in Uzbekistan. — 2023. — URL: <https://eng.illp.uz/ensuring-justice-and-the-rule-of-law-in-uzbekistan> (мурожаат санаси: 20.03.2025).
28. Hildebrandt, M. Smart Technologies and the End(s) of Law: Novel Entanglements of Law and Technology. — Cheltenham: Edward Elgar Publishing, 2015. — 278 p.
29. John Helms Attorney. The Dangers of AI in Criminal Investigations and Trials. — 2024.— URL: <https://johnhelms.attorney/the-dangers-of-artificial-intelligence-ai-in-criminal-investigations-and-trials/> (22.03.2025).
30. Veritone. AI and Crime: How Artificial Intelligence Is Reshaping Criminal Justice. — 2025. — URL: <https://www.veritone.com/blog/ai-and-crime-in-criminal-justice/> (мурожаат санаси: 01.04.2025).
31. CPI OpenFox. How Blockchain Secures Chain of Custody in an Era of AI Deepfakes. — 2025. — URL: <https://www.openfox.com/how-blockchain-secures-chain-of-custody-in-an-era-of-ai-deepfakes/> (мурожаат санаси: 10.03.2025).
32. Kim, D., Ihm, S.-Y., Son, Y. Two-Level Blockchain System for Digital Crime Evidence Management // Sensors (MDPI). — 2021. — Vol. 21. — PMC8123771.
33. Nature. AI-powered digital arbitration framework leveraging smart contracts and electronic evidence authentication // Scientific Reports. — 2025. — URL: <https://www.nature.com/articles/s41598-025-21313-x> (мурожаат санаси: 05.04.2025).
34. CEPEJ. Guidelines on the Use of Videoconferencing in Judicial Practice. — Strasbourg: Council of Europe, 2021. — CEPEJ(2021)4.
35. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — Тошкент: Адолат, 2024.